

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ЯКУБОВ АХТАМ НУСРАТИЛЛОЕВИЧ

**КИБЕРМАКОНДА РАҚАМЛИ МУЛК ҲУҚУҚИ ВА УНИ ҲУҚУҚИЙ
ТАРТИБГА СОЛИШ**

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

**юримдик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the Doctoral (DSc) dissertation abstract

Якубов Ахтам Нусратиллоевич

Кибермаконда рақамли мулк ҳуқуқи ва уни ҳуқуқий
тартибга солиш3

Yakubov Akhtam Nucratilloevich

Digital property rights in cyberspace and its legality arrangement.....35

Якубов Ахтам Нусратиллоевич

Право цифровой собственности в киберпространстве и его правовое
регулирование57

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных научных работ

List of published scientific works.....61

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ЯКУБОВ АХТАМ НУСРАТИЛЛОЕВИЧ

**КИБЕРМАКОНДА РАҚАМЛИ МУЛК ҲУҚУҚИ ВА УНИ ҲУҚУҚИЙ
ТАРТИБГА СОЛИШ**

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

**юримдик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.DSc/Yu176. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<https://tsul.uz/uz/fan/avtoreferatlar>) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Гулямов Саид Саидахарович,
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ходжаев Бахшилло Камалович,
юридик фанлар доктори, доцент

Нарзиев Отабек Саъдиевич,
юридик фанлар доктори, доцент

Ашурова Наргиза Аъзамовна,
юридик фанлар доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби


Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 рақамли илмий кенгашнинг 2023 йил 17 январь соат 10-00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (99871) 233-37-48, e-mail: info@tsul.uz).


Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1094-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36).


Диссертация автореферати 2023 йил 4 январда тарқатилди.

(2023 йил 4 январдаги 19-рақамли реестр баённомаси)




И.Р. Рустамбеков
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор


Д.Ю. Хабибуллаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар номзоди, профессор


Н.Ф. Имомов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раисининг ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (юримдик фанлар доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда 2020 йил ўрталарига келиб COVID–19 пандемияси сабабли ўтган ўн йилликда алоҳида давлатларда сезилмас даражада ривожланаётган рақамли иқтисодиёт ва ижтимоий муносабатларга “ақлли бошқарув” технологияларини жорий қилиш катта куч билан тезлашиб кетишига олиб келди. Бозор иқтисодиётида замонавий ахборот технологиялари (АКТ), сунъий интеллект ва “ақлли бошқарув” усуллари рақамлаштириш шаклида ўзини самарадорлигини қисқа муддатларда исботлади. COVID–19 пандемиясига қарши кураш чоралари доирасида давлатлар иқтисодиёти талаб қилган рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бир вақтнинг ўзида рақамли мулк ва унинг шаклларини ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ янги хуқуқий ёндашувларни ишлаб чиқишни долзарб этиб қўйди. Халқаро ҳисоб-китобларга кўра 2020 йилда виртуал мол-мулк бозорининг ҳажми 12,56 миллиард долларни ташкил этди. Тадқиқотчиларнинг фикрича, виртуал реаллик технологиялари жаҳон бозорига йилига 37,66 фоизга ўсади ва 2026 йилга келиб унинг ҳажми 85,47 миллиард долларни ташкил этади. Географик жиҳатдан таҳлил қилсак АҚШда 2017 йилда рақамли мулк учун барча харажатлар 4,3 миллиард долларни ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич; Осиё-Тинч океани минтақаси (Япониясиз) учун 2,6 миллиард доллар ва Ғарбий Европа учун 2,5 миллиард долларга яқинни ташкил қилган¹. Superdata таҳлилий агентлиги рақамли мулк билан боғлиқ виртуал ўйин бозори 2016 йилда 660 миллион доллардан кўпроққа ўсганлигини ва 2022 йилга келиб 15 миллиард долларгача кўтарилишини кутмоқда². Ушбу рақамлар, миллий даражада рақамли мулк, кирипто-актив, рақамли ашёлар билан боғлиқ фуқаролик-ҳуқуқий ва халқаро хусусий-ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш, ушбу муносабатларни тартибга солишни самарали ва сунъий интеллектга асосланган усуллари ишлаб чиқиш, рақамли мулк эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган янада самарали механизмларни ишлаб чиқиш лозимлигини кўрсатади.

Жаҳонда рақамли мулк ҳуқуқи билан боғлиқ муносабатларни шартномавий тартибга солиш, рақамли актив ва виртуал мол-мулкни тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, рақамли мулк эгаларини халқаро ҳуқуқий ҳимоя қилиш воситаларини кенгайтириш, ушбу соҳада нодавлат ўзини ўзи бошқариш тизимларини кенгайтириш, уларга қўйилган талабларни унификация қилиш, рақамли муносабатларни бошқаришга «lex mercatoria», «lex informatica», «lex cryptographica» – блокчейн ҳамжамиятининг ўзини ўзи бошқариш қоидалари тўпламини татбиқ қилиш, криптографик шифрлаш фойдаланувчиларининг фаолиятини тартибга солиш масалаларига муҳим илмий-амалий аҳамият касб этадиган тадқиқот йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

¹ <https://www.tadviser.ru>

² <https://www.vg247.com>

Республикамизда «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегияси доирасида иқтисодиёт тармоқларида виртуал ва тўлдирилган реаллик, сунъий интеллект, криптография, машина ўрганиши, катта маълумотларни таҳлил қилиш ва «булутли» ҳисоблаш технологияларидан фойдаланиш имкониятларини ўрганиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, ушбу соҳада бир қатор чора-тадбирларни белгилаш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. «Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг барқарорлиги, сифати ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида «ақлли тартибга солиш» модели элементларини қўллаш доирасида қонунчилик ҳужжатларининг тартибга солиш таъсирини баҳолашни ривожлантириш ва кенгайтириш, ҳуқуқ тизимининг рақобатбардошлигини ошириш ва иқтисодиётнинг янги драйверларини ҳаракатга келтириш доирасида замонавий технологияларга ва рақамли фаолиятга бўлган талабларни қайта кўриб чиқиш»¹ масалалари ҳуқуқ тизимини комплекс ривожлантиришнинг устувор вазифаси этиб белгиланган бўлиб, мазкур вазифалар ушбу соҳадаги қонунчиликни халқаро стандартлар асосида такомиллаштиришни долзарб этиб белгиламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (1992), Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1995, 1997), «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги (2019), «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги ЎРҚ–598-сон (2019), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инвестиция ва ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2019) Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2018), «Ўзбекистон Республикасида крипто-биржалар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» (2018) қарорлари ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мос келади.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Рақамли мулк ва уни ҳуқуқий тартибга солиш ва виртуал мол-мулкни ҳуқуқий мақомига оид илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»даги Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон.

² Қаранг: www.nus.edu.sg; <https://www.tsinghua.edu.cn/>; <https://english.pku.edu.cn/>; <https://www.u-tokyo.ac.jp>; <http://www.dba.ust.hk/>; <https://www.kcl.ac.uk/>; lmu.de/en/; <https://www.columbia.edu/>; www.msal.ru, www.tsul.uz ва бошқа манбалар.

университетларида, жумладан, National University of Singapore (NUS) (Сингапур), Tsinghua University (Хитой), Columbia University (АҚШ), Peking University (Хитой), The University of Tokyo (Япония), The Hong Kong University of Science and Technology (HKUST), King's College London (KCL) (Буюк Британия), Ludwig-Maximilians-University of Munich (Германия), О.Е. Кутафин номидаги Москва давлат университети (Россия), Тошкент давлат юридик университетида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Халқаро хусусий ҳуқуқ ва фуқаролик ҳуқуқида рақамли мулк муносабатларини тартибга солиш соҳасида жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: рақамли валюта фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида асосланган (Е. Кутафин номидаги Москва давлат университети), криптовалюталарни қонуний тартибга солишга қаратилган хорижий тажриба таҳлил қилинган (The University of Tokyo (Япония), жисмоний шахслар учун криптовалюталарни қонунийлаштириш зарурлиги асослаб берилган Columbia University (АҚШ), жисмоний шахслар учун криптовалюталарни қонунийлаштириш натижасида юзага келиши мумкин бўлган ҳуқуқий ва иқтисодий хавф-хатар (The Hong Kong University of Science and Technology (HKUST) очиб берилган, рақамли иқтисодиётда регуляторларнинг вазифалари ва рақамли хавфсизлик билан боғлиқ масалалар Tsinghua University (Хитой)да ўрганилган, кибер ҳуқуқ доирасида сунъий интеллектни ҳуқуқий муносабатларга таъсири ва ушбу муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш зарурати исботланган (Тошкент давлат юридик университети).

Дунёда кибермаконда рақамли мол-мулк ва у билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича, жумладан, рақамлик мол-мулкнинг ҳуқуқий табиати ва уни муҳофазаси, рақамли мулк муносабатларни тартибга солишнинг утилитар ва шартномавий назариялари, рақамли мол-мулкнинг муҳофазасини таъминлашда интеллектуал мулк ҳуқуқи нормаларидан самарали фойдаланиш, кибермаконда виртуал мол-мулк ва уни баҳолаш билан боғлиқ суд прецеденти, мулк муҳофазасини таъминлашда «сунъий интеллект» технологияларини татбиқ қилиш, фуқаролик ҳуқуқий доктринада ашёвий ҳуқуқларнинг *numerus clausus* («ёпиқ рўйхат») принципи асосида шакллантириш, рақамли валюталарни қонунийлаштиришнинг давлатлар пул тизими учун оқибатлари ва пул тизимлари барқарорлиги учун юзага келиши мумкин бўлган хавфлар, ушбу валютани мол-мулк сифатида тан олиш йўналишларида илмий тадқиқотлар ўтказилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кибермаконда рақамли мол-мулкнинг ҳуқуқий таҳлили, мазкур муносабатларга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқни аниқлашнинг замонавий усуллари, виртуал валюта, шунингдек рақамли мол-мулкни тартибга солиш бўйича халқаро стандартлар ва хорижий давлатларнинг тажрибалари мамлакатимизда мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Миллий ҳуқуқшунос олимларимиз Ҳ.Р. Раҳмонқулов, С.С. Гулямов, О.Оқюлов, И.Р. Рустамбеков, В.Ё. Эргашев, Н.Ф.Имомов, Б.Тошев, Х.Т.Азизов, О.Т.Хазратқуловларнинг¹ тадқиқот ишларида Ўзбекистон Республикасида мулк ҳуқуқи, ашёвий ҳуқуқлар, интеллектуал мулк соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, сунъий интеллектнинг ҳуқуқий муносабатларга таъсири, кибермаконда ҳуқуқий тартибга солиш воситалари, интернет тармоғида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари ўрганилган².

Ушбу масала билан Ғарбий Европа, Осиё, АҚШ ва МДҲ давлатларининг хусусий ҳуқуқ ва кибер ҳуқуқи соҳасидаги мутахассислари Ch.J.Cifrino, А.И.Савелиев, К. Яковлев, Е. А.Kirillova, J. Miseviciute, D.Chu, W.Bolt, M. R. C.Van Oordt, В. С.Абдулгасис, J.Lane, S.Brown-Hruska, T.Wagener, Ж.Томас, С.Р.Решетняк, D.J.Harvey, В.А.Лаптев, О.К.Яковлев, Z.Ming kai, W.Wenjing, W.Nanyue, J.Christopher ҳамда бошқаларнинг асарларида виртуал объектларга нисбатан мулк ҳуқуқлар, шахсий рақамли маълумотларга ташқаридан қилинадиган кибер ҳужумлардан ҳимоя қилиниш ва виртуал олам яратувчиси томонидан бир тарафлама асосларда фойдаланувчидан виртуал объектларни олиб қўйилишидан ҳимояланиш, “рақамли мол-мулк”, “виртуал мол-мулк”, “рақамли актив”, “рақамли валюта”, “виртуал валюта” ва бошқа объектларнинг ҳуқуқий табиати, уларнинг ҳуқуқий режими ва қонун билан тартибга солиш истиқболлари, рақамли мулк муносабатларга нисбатан “lex cryptographica”, “lex informatica” тамойилларини татбиқ қилиш масалалари асослаб берилган³.

Фуқаролик ҳуқуқий доктринасида ашёвий ҳуқуқларнинг *numerus clausus* («ёпиқ рўйхат») принципи асосида шаклантириш масалалари классик фуқаролик ҳуқуқи олимларининг тадқиқотларида кўрсатиб ўтилган. Ушбу масалаларда тадқиқот ўтказган олимлар сифатида С. А.Синицын, Е.А.Махиня, Ю. С.Молодцова, Н. Ю.Мунжиу, А. Д.Алдошкина, Т. W.Merrill, Н. Е.Smith, Н.Hansmann, R.Kraakman, X.Qi⁴ ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Тошкент давлат юридик университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Ривожланган давлатлар қонунчилик амалиёти ва фуқаролик ҳуқуқи ютуқларини назарий тадқиқ этиш асосида олинган натижаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалалари» мавзусидаги фундаментал лойиҳаси (2017 – 2021 й.й.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда кибермаконда рақамли мулк муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш

¹ Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган

² Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган

³ Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган.

⁴ Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган.

ва уни қўллаш амалиёти самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

виртуал мол-мулкнинг ҳуқуқий табиати, уни тушуниш бўйича илмий концепциялар ва доктриналарни таҳлил қилиш орқали янги илмий-назарий ғоялар ишлаб чиқиш;

рақамли ҳуқуқлар доирасида рақамли актив ва рақамли валюта ҳуқуқий табиатининг доктринал асосларини тадқиқ қилиш;

Ўзбекистонда ва хорижий давлатлар қонунчилигида рақамли ва виртуал мол-мулкнинг ҳуқуқий квалификациясини ўрганиш;

рақамли актив ва криптоактивни тушуниш бўйича хорижий доктрина ва халқаро тажрибани таҳлил қилиш;

рақамлаштириш шароитида фуқаролик ҳуқуқлари объектларининг таснифи ва субъектив фуқаролик ҳуқуқлар табиатини тадқиқ қилиш;

фуқаролик доктринасида рақамли объектлар ва уларни фуқаролик-ҳуқуқий объектлар турларига киритиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

блокчейн технологиялари асосида яратиладиган маҳсулотлар (криптовалюта, токен, смарт контракт)ларнинг ҳуқуқий табиатини тушуниш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

рақамли мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш;

Ўзбекистонда ҳуқуқнинг рақамли трансформациясини қилиш зарурати ва уни асосий йўналишларига илмий баҳо бериш;

виртуал мол-мулкни ҳуқуқий тартибга солишнинг янги илмий-назарий концепциясини ишлаб чиқиш ва қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифларни асослаш;

Ўзбекистонда рақамли мулк ҳуқуқи объекти сифатида виртуал валюта (криптовалюта ва блокчейн технологиялари)ни ҳуқуқий тартибга солиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистонда рақамли мулк ҳуқуқларни фуқаролик қонунчилигига жорий қилиш йўналишлари бўйича таклифлар бериш;

Ўзбекистон қонунчилигига рақамли технологияларга асосланган фуқаролик-ҳуқуқий моделларни жорий қилиш истиқболлари юзасидан тавсиялар беришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистонда рақамли мулк ҳуқуқи ва уни ҳуқуқий ҳимояси билан боғлиқ муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистонда рақамли мол-мулк ва уни ҳуқуқий ҳимояси билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда «Халқаро хусусий ҳуқуқ», «Фуқаролик ҳуқуқи» ва «Интеллектуал мулк ҳуқуқи»да мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб боришда тарихий, тизимли-тузилмавий, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий, илмий манбаларни комплекс тадқиқ

этиш, индукция, дедукция ва статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кибермакон бу – ахборот технологиялари ёрдамида яратилган виртуал муҳит эканлиги асосланган;

IT-парк асосида илғор технологиялардан (Big Data, IoT, AI блокчейн ва бошқалар) фойдаланган ҳолда устувор тармоқлар учун «ақлли ечимлар»ни ишлаб чиқишни рағбатлантириш зарурлиги асослаб берилган;

сунъий интеллектни қўллашнинг асосий йўналишлари ва тамойилларини, шунингдек, яқин ва узоқ истикболда ушбу соҳани комплекс шакллантириш учун шарт-шароитларни белгиловчи Сунъий интеллектни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш зарурлиги асосланган;

электрон тижорат билан шуғулланувчи субъектларнинг товар ва хизматлар учун тўловларида NFC технологияларини жорий қилиш зарурлиги асослаб берилган;

рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши ва уларнинг бизнес амалиётига таъсири ва янги рақамли хизматлар ёки маҳсулотлар пайдо бўлиши таъсирини ҳисобга олган ҳолда қонунчилик базасини такомиллаштириш механизмларини шакллантириш зарурлиги асосланган;

компьютер ўйинлари саноатини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, хорижий инвестицияларни маҳаллий IT-маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва рағбатлантиришга жалб қилиш, ушбу соҳадаги малакали мутахассисларни танлаб олиш ва тайёрлаш зарурлиги асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада, давлат бошқаруви тизимида сунъий интеллект технологияларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланишда ягона талаблар, жавобгарлик, хавфсизлик ва шаффофликни белгиловчи норматив-ҳуқуқий базани ишлаб чиқиш лозимлиги асослаб берилган;

классик ашёвий ҳуқуқлар каби хусусиятларни ўз ичига олган виртуал мол-мулк ва унинг ҳуқуқий муҳофазаси масаласи, миллий қонунчилик олдига ушбу жараёнларни ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ янги кибер ҳуқуқнинг концепцияларини яратиш зарурлиги асослаб берилиб, ахборот хавфсизлиги, рақамли технологияларни қўллаш билан боғлиқ **Рақамли Ўзбекистон концепциясини** янги ғоялар асосида ишлаб чиқиш зарурлиги исботлаб берилган;

интернетда фойдаланувчиларни ҳимоя қилишнинг бошқа механизмларини, шу жумладан блокчейн технологиясини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратиш таклиф қилиниб, халқаро хусусий ҳуқуққа янги коллизия боғловчи сифатида “**lex cryptographica**”ни жорий қилиш зарурлиги асосланган;

спортчиларни компьютер спорт турлари бўйича, шу жумладан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ўқитиш учун компьютер спорт марказлари (профессионал клублар) тармоғини яратиш зарурлиги асосланган;

киберхавфсизлик субъектлари киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги асослаб берилган;

халқаро электрон тижорат стандартлари ва замонавий ахборот хавфсизлиги талабларига риоя қилиш учун электрон тижоратни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини, шунингдек, мавжуд стандартлар ва электрон тижорат қоидаларини такомиллаштириш ва янгилаш зарурлиги асосланган;

виртуал объектларнинг олди-сотдисини амалга ошириш ёки унга эгалик ҳуқуқини шакллантиришда **шартномавий концепциядан** фойдаланиш зарурлиги асослаб берилган.

рақамли активлар виртуал мол-мулк (мулкый ҳуқуқлар) ва виртуал шахсий номулкий неъматлар ҳамда мулкый ҳуқуқлар билан боғлиқ бошқа ҳуқуқларга ажратиш зарурлиги доктринал ва амалий жиҳатдан асосланди ҳамда рақамли активларнинг эгасини “мулкдор” деб тан олиш зарур, деган хулосага келинди;

рақамли активларга бўлган мулк ҳуқуқи мерос ҳуқуқи асосида меросхўрларга ўтишини таъминлаш мақсадида рақамли активларни сақлаш реестрини юритиш таклиф қилиниб, **“рақамли васиятнома” институтини** киритиш зарурлиги асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий-илмий хулосалар халқаро илмий базалар (<https://www.scholar.google.com>, <https://www.jstor.org>, <https://www.sciencedirect.com>, <https://www.proquest.com>, <https://heinonline.org>) ҳамда бошқа расмий манбалардан олинган ишончли маълумотлар асосида шакллантирилган. Тадқиқот олиб бориш жараёнида билдирилган айрим таклифлар амалиётга жорий этилган ва бу тегишли ваколатли органлар томонидан тасдиқланган. Тадқиқот натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унда акс этган илмий-назарий ғоялар ва қонунчиликка билдирилган таклифлардан Ўзбекистонда халқаро хусусий ҳуқуқ ва фуқаролик ҳуқуқи соҳаларида илмий тадқиқотлар ўтказиш, қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлаш, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда «Халқаро хусусий ҳуқуқ», «Фуқаролик ҳуқуқи» ва «Интеллектуал мулк ҳуқуқи» каби фанларни ўқитишда ва методик тавсиялар тайёрлашда фойдаланиш

мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти фуқаролик муносабатларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда, шунингдек, халқаро хусусий ҳуқуқ ва фуқаролик ҳуқуқи соҳасида тадқиқотларни ўтказишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалар қуйидагиларда фойдаланилган:

кибермакон бу – ахборот технологиялари ёрдамида яратилган виртуал муҳит эканлиги ҳақидаги таклиф 2022 йил 15 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги ЎРҚ–764-сон Қонунининг 3-моддаси учинчи хатбошисини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2022 йил 27 июлдаги 06-13/36-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши кибермакон тушунчаси ва уни қамраб олувчи ижтимоий муносабатларни аниқлашга хизмат қилган.

IT-парк асосида илғор технологиялардан (Big Data, IoT, AI блокчейн ва бошқалар) фойдаланган ҳолда устувор тармоқлар учун «ақлли ечимлар»ни ишлаб чиқишни рағбатлантириш зарурлиги ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ–6079-сон Фармони билан тасдиқланган «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясининг 2.4-банди ўн тўққизинчи хатбошисини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2022 йил 15 сентябрдаги 12-19-52-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши Big Data, IoT, AI блокчейн каби илғор технологияларни жорий қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилишига хизмат қилган;

сунъий интеллектни қўллашнинг асосий йўналишлари ва тамойилларини, шунингдек, яқин ва узоқ истикболда ушбу соҳани комплекс шакллантириш учун шарт-шароитларни белгиловчи Сунъий интеллектни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш зарурлиги ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 февралдаги ПҚ–4996-сон қарорининг 1-банди иккинчи хатбошисини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2022 йил 15 сентябрдаги 12-19-52-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши Сунъий интеллектни ривожлантириш стратегиясини яратиш ва унинг истикболини белгилашга хизмат қилган;

электрон тижорат билан шуғулланувчи субъектларнинг товар ва хизматлар учун тўловларида NFC технологияларини жорий қилиш ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ–6079-сон Фармони билан тасдиқланган «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясининг 2.3-банди ўттиз биринчи хатбошисини ишлаб чиқишда

фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2022 йил 15 сентябрдаги 12-19-52-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши электрон тижорат билан шуғулланувчи субъектларнинг товар ва хизматлар учун тўловларида NFC технологияларини жорий қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилишига хизмат қилган;

рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши ва уларнинг бизнес амалиётига таъсири ва янги рақамли хизматлар ёки маҳсулотлар пайдо бўлиши таъсирини ҳисобга олган ҳолда қонунчилик базасини такомиллаштириш механизмларини шакллантириш зарурлиги ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ–6079-сон Фармони билан тасдиқланган «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясининг 2.4-банди иккинчи хатбошисини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2022 йил 15 сентябрдаги 12-19-52-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши рақамли технологиялар соҳасидаги қонунчилик базасини такомиллаштириш механизмларини шакллантиришга хизмат қилган;

компьютер ўйинлари саноатини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, хорижий инвестицияларни маҳаллий IT-маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва рағбатлантиришга жалб қилиш, ушбу соҳадаги малакали мутахассисларни танлаб олиш ва тайёрлаш зарурлиги ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ–6079-сон Фармони билан тасдиқланган «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясининг 2.4-банди ўн учинчи хатбошисини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2022 йил 15 сентябрдаги 12-19-52-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши компьютер ўйинлари саноатини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ҳуқуқий асослари яратилишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 15 та илмий анжуманда, жумладан, 4 та халқаро ва республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция, давра суҳбатлари ва семинарларда синовдан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича жами 16 та илмий иш, жумладан, 2 та монография, илмий журналларда 10 та (1 та хорижий нашрда) ва тўпламлар таркибида 4 та илмий мақолалар чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 260 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослантилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети ёритилган, шунингдек, диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги асослантилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан алоқадорлиги, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳамда ҳажми ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Кибермаконда рақамли мулк ҳуқуқи юридик табиатини тушунишнинг доктринал асослари**» деб номланган биринчи бобда виртуал мол-мулкни тушуниш бўйича илмий қарашлар ва ҳуқуқий тартибга солишнинг янги концепциялари, рақамли ҳуқуқлар доирасида рақамли актив ва рақамли валютанинг ҳуқуқий табиатини тушунишнинг доктринал асослари илмий таҳлил этилган.

Диссертант хорижий (J.Fairfield, J.Marinotti, Y. C.Wang, J. G.Allen, С. Р.Решетняк, А. В.Мануилов, А.Карцхия, А. И. Савелиев ва бошқ.) ва миллий олимлар (С.Гулямов, И.Рустамбеков, В.Ё. Эргашев ва бошқ.) тадқиқотларининг таҳлили натижасида **биринчидан**, мавжуд виртуал оламларнинг асосий хусусиятларидан бири бу иштирокчилар ўртасидаги ўзаро алоқани таъминлаш ва иқтисодий тизимларнинг мавжудлигидир. Ушбу тизимда виртуал мол-мулкни ўғирлаш имконияти яратилган ва ўйин ташкилотчилари виртуал мол-мулкни реал пулга сотиб олиш имкониятини берганлиги сабабли, иштирокчилар учун реал моддий йўқотишларга олиб келиши мумкин бўлган муайян ҳуқуқий муносабатлар юзага келади, бу “хавф” тушунчасининг таърифига мосдир. **Иккинчидан**, иштирокчилар ўйинни ўз хоҳишларига кўра бошлайдилар, бу иштирокчилар ва ўйин ташкилотчилари ўртасидаги ихтиёрий келишув шаклидир. Бундан ташқари, ҳар қандай бундай ўйинда эришиш керак бўлган ва ўз-ўзидан даромад келтирадиган маълум бир мақсад мавжуддир, деган нуқтаи назарни илгари сурган.

Тадқиқот жараёнида виртуал мол-мулкни ашёвий мулк сифатида тан олиш бўйича Осиё минтақасида юзага келган ёндашув ва англо-саксон доктринаси ҳам таҳлил қилинган ҳолда бу борадаги икки гуруҳ олимлар: мол-мулк ҳуқуқи тарафдорлари ва шартнома ҳуқуқи тарафдорларига ажратиб кўрсатилган.

Виртуал объектларнинг ҳуқуқий мақомини белгилашга қаратилган **радин назарияси ва утилитар назариянинг** хусусиятлари танқидий таҳлил қилиниб, виртуал объектлар унинг эгаси учун қадрли ва маълум бир иқтисодий баҳога эга бўлганлиги сабабли уларни ҳуқуқий муҳофазасини яратишга қаратилган **аралаш назариядан фойдаланиш** таклиф қилинади.

Виртуал объектларга бўлган ҳуқуқни бундай шаклда тан олиниши Ўзбекистонга инвесторларни жалб қилишга ва иқтисодий самарадорликка олиб келиши исботлаб берилди.

Тадқиқотчи томонидан бир қатор олимларнинг (О.Н.Горохова, J.Miseviciute, D.Chu, W.Bolt, M. R.Van Oordt) асарлари таҳлил қилинган ҳолда виртуал мулк муносабатларни тартибга солиш билан боғлиқ бошқа ҳуқуқий воситаларни такомиллашувини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик зарурлиги кўрсатиб ўтилган. Бунда халқаро савдо муносабатларида, ташқи иқтисодий битимларда, ўзаро ҳисоб-китобларнинг янги турлари оммалашаётганлигини инобатга олиб халқаро хусусий ҳуқуқ, жиноий қонунчиликни такомиллаштириш ва онлайн платформаларда ташкил қилинадиган виртуал объектларни ўғирлаш, товламачилик ва шу каби ғайриқонуний равишда ўзлаштириш учун жавобгарликни жорий қилиш таклиф қилинади.

Диссертацияда миллий қонунчиликни рақамли технологиялар талабларидан келиб чиққан ҳолда инвентаризациядан ўтказиш, унда “кибермакон” ёки “компьютер ўйини”, “виртуал ўйин” ёки “онлайн ўйин”, “рақамли мол-мулк”, “киберспорт”, “виртуал реаллик”, “виртуал мулк ҳуқуқи”, “виртуал объект” каби тушунчаларга таърифлар ишлаб чиқиш, энг муҳими ушбу янги ҳуқуқий феноменларни ҳуқуқий тартибга солишнинг янги концепцияларини қабул қилиш зарурлиги асослаб берилган.

Диссертантнинг фикрича, рақамли ҳуқуқларга асосланган муносабатлар қисқа фурсатларда фуқаролик ҳуқуқининг ажралмас қисмига айланганлиги сабабли, фуқаролик муомаласининг айнан қайси объектлари бевосита рақамли ҳуқуқларга, қайси бирлари эса интеллектуал мулк объектларига тегишли эканлиги борасида яқдил тўхтамга келишга асос бўлувчи хулосалар ва қарашлар мавжуд эмас.

О. К. Яковлев, Е. А. Kirillova, J. Miseviciute, D.Chu, W.Bolt, M. R. C.Van Oordt, В. С.Абдулгазис, J.Lane, S.Brown-Hruska, T.Wagener ва бошқаларнинг тадқиқотлари ўрганилган ҳолда замонавий фуқаролик ҳуқуқи доктринасида асосий эътибор жисмоний шахслар учун криптовалюталарни қонунийлаштиришнинг ижобий томонларига урғу берилаётганлиги, жисмоний шахслар учун криптовалюталарни қонунийлаштириш натижасида юзага келадиган хавф, шунингдек, рақамли иқтисодиётда регуляторларнинг асосий вазифалари ва бошқа масалаларига бағишланганлиги кўрсатиб берилган.

Виртуал объектларнинг муомалага киритилиши билан боғлиқ ишларни ҳал қилишда бир нечта ёндашувларни қўллаш мумкинлиги илмий-доктринал жиҳатдан таҳлил қилиб асослаб берилган: **биринчидан**, қонун компьютер ўйинлари соҳасидаги муносабатларга аралашмаслиги кераклиги; **иккинчидан**, виртуал объектларга нисбатан ашёвий ҳуқуқ ва мулк ҳуқуқи қоидаларини қўллаш мумкинлиги; **учинчидан**, бундай муносабатларнинг фойдаланувчи ва муаллифлик ҳуқуқи эгаси ўртасида лицензияланиши ҳамда

бошқа шартномалар билан тартибга солиниши энг оммалашган фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш усули эканлиги асосланган.

Жаҳон амалиётидан маълумки, рақамли активлар виртуал мулк (мулкый ҳуқуқлар) ва виртуал шахсий номулкый неъматлар ҳамда мулкый ҳуқуқлар билан боғлиқ бошқа ҳуқуқларга ажратилади. Бунда, рақамли активлар “мулкдори”, Ўзбекистон Республикасида “мулк” тушунчасини қонунчиликда ўзига хос ақс эттирилишига оид нормалардан келиб чиққан ҳолда “ҳуқуқлар эгаси” сифатида ҳам белгиланиши мумкин. Бироқ, бу борада энг мақбул ҳуқуқий мақом “мулкдор” деб тан олиниси ҳисобланади, чунки фуқаролик ҳуқуқида ашёларга қўйилган талаблар билан солиштирилганда, рақамли мол-мулк моддий тусга эга бўлмаган ашё ҳисобланади.

Шу билан бирга, тадқиқотчининг фикрича, рақамли активларга бўлган мулк ҳуқуқи мерос ҳуқуқи асосида меросхўрларга ўтиши назарда тутилиб, меросхўрларнинг рақамли активларни сақлаш реестри юритилиши зарур ва бундай ҳолларда васиятномани тасдиқлаш бўйича нотариал ҳаракатни амалга ошириш электрон шаклда ҳам тақдим этилиши лозим. Натижада хорижий тажрибадан келиб чиқиб васиятноманинг ушбу шаклини “рақамли васиятнома” деб ҳам аташ таклиф қилинган.

Диссертант рақамли активларнинг ҳуқуқий табиатига эътибор қаратиб, рақамли активларнинг табиатига хос жиҳатлари сифатида формал – яратувчи, криптовалюта, гибрид – аралаш тусга эга эканлигини кўрсатиб ўтиб, ҳар бир жиҳатнинг ҳуқуқий табиати очиқ берилган. Тадқиқотчининг фикрича, рақамли актив ахборот характериға эга ва рақамли шаклга эгаллиги, шунингдек, ундан фойдаланиш иқтисодий фойда-даромад келтириши ҳамда моддий қийматга эга эканлиги билан тавсифланади.

Тадқиқотчининг фикрича, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига “рақамли активлар” атамасини аниқлаштириш ва кенгайтириш, уларнинг виртуал мулк (мулкый ҳуқуқлар) ва мулкый ҳуқуқларга боғлиқ виртуал шахсий номулкый неъматлар ва ҳуқуқларга ажратадиган янги таснифини жорий этиш ва уларни ҳуқуқий тартибга солишга доир тегишли ўзгартиришлар киритиш зарур. Шунингдек, виртуал маконда мавжуд тушунча – “рақамли ҳуқуқлар”ни миллий қонунчиликка жорий этиш таклиф қилинган.

Тадқиқот давомида крипто-активлар учун бешта умумий хусусият мавжудлиги: (а) номоддийлик; (б) криптографик аутентификация; (в) тақсимланган транзакция китобидан фойдаланиш; (г) марказлашмаганлик; (д) консенсус орқали бошқариш кабилар кўрсатиб берилган.

Муаллифлик тушунчаси сифатида тадқиқотчи **рақамли ҳуқуқлар** – бу фуқаролик ҳуқуқларининг янги объекти бўлиб, ўзида рақамли код ёки белгилардан иборат, яъни қонун ҳужжатларида белгиланган, марказлашмаган ахборот тизимининг белгиларига жавоб берадиган ахборот тизимида мавжуд бўлган маълум қийматга эга бўлган электрон маълумотлар йиғиндиси.

Диссертантнинг фикрича, рақамли валютадан фарқли ўлароқ, рақамли молиявий активлар – бу рақамли ҳуқуқ бўлиб, у ўз навбатида фуқаролик ҳуқуқларининг янги объекти ҳисобланади, бу ўз-ўзидан рақамли молиявий

активларни муомалага лаёқатли эканлигини кўрсатади. Рақамли молиявий активлар олди-сотди, айирбошлаш, ҳадя, гаров ва ҳоказолар бўйича битимнинг предмети бўлиши мумкин. Рақамли молиявий актив рақамли валютага нисбатан “юқори” ҳуқуқий мақомга эга: рақамли молиявий активларда доимо мажбуриятга эга – уни чиқарган шахс мавжуд, ваҳоланки рақамли валютада бундай шахс мавжуд эмас.

Диссертант қуйидаги тушунчани таклиф қилади: “Рақамли валюта — ахборот тизимида мавжуд бўлган, Ўзбекистон Республикасининг пул бирлиги бўлмаган тўлов воситаси сифатида таклиф қилинадиган ва (ёки) хорижий давлат ва (ёки) халқаро валюта ёки ҳисоб бирлиги ва (ёки) инвестиция сифатида қабул қилиниши мумкин бўлган, моддий қийматга эга электрон маълумотлар (рақамли код ёки белги) ва уларга нисбатан бундай электрон маълумотларнинг ҳар бир эгаси олдида жавобгар бўлмаган шахс (оператор ва (ёки) ахборот тизимининг тарқатувчи бундан мустасно), фақат ушбу электрон маълумотларни бериш тартибига риоя этилишини таъминлаши ва бундай ахборот тизимига ўз қоидаларига мувофиқ ёзувлар киритиш (ўзгартириш) бўйича ҳаракатларни амалга оширишга мажбур бўлган ахборотдир”.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Рақамли ва виртуал мол-мулкнинг ҳуқуқий тавсифи**» деб номланиб, унда Ўзбекистонда ва хорижий давлатларда рақамли ва виртуал мол-мулкни ҳуқуқий квалификация қилишнинг назарий ва амалий жиҳатлари, виртуал объектларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг янги йўналишлари, виртуал мол-мулк ва уни ҳуқуқий тартибга солиш истиқболлари, рақамли активни тушуниш бўйича хорижий доктрина ва халқаро тажриба, шунингдек, ушбу соҳада халқаро қонунчиликда юз бераётган тенденциялар қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган.

Мазкур бобда диссертант айнан мулк режимининг янги шакллари саналган онлайн рақамли ахборот объектлар (криптовалюталар, виртуал мол-мулк, ижтимоий медиа akkaунтлари, домен номлари ва бошқалар)ини миллий ва халқаро даражада қандай ҳуқуқий тартибга солинганлиги ва ҳимоя қилинганлиги масаласи таҳлил қилинган.

Тадқиқотчи рақамли валютанинг фуқаролик ҳуқуқлари объекти сифатидаги мақоми ҳалигача белгиланмаган бўлса-да, лекин жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш ёки коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги қонунларда рақамли валюта мол-мулк сифатида тан олинган. Ушбу ҳолат МДҲ давлатларида, хусусан Ўзбекистонда ҳам рақамлаштириш соҳасини тартибга солишда позитив ҳуқуқ, яъни фуқаролик қонунчилигидан Жиноят ҳуқуқий фаолият соҳасидаги қонунчиликни илгарилаб кетганлигини асослаб берган.

Диссертацияда “виртуал активлар” (virtual assets), “рақамли контент” ва “виртуал мол-мулк”(virtual property) тушунчалари таҳлил қилинган ҳолда уларнинг барчаси виртуал объект саналиши асослаб берилган. Тадқиқотчи виртуал объектларга нисбатан мулк ҳуқуқи фуқаролик қонунчилиги билан тўлиқ тартибга солинадиган ва ҳимоя қилинадиган объектлар сифатида қонунчиликда белгиланишини таклиф қилади. Бунинг учун биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 81-моддаси фуқаролик ҳуқуқлари

объектларининг турлари доирасига қуйидаги қўшимчани киритиш таклиф қилинади.

“Фуқаролик ҳуқуқларининг объектларига ашёлар, шу жумладан пул ва қимматли қоғозлар, бошқа буюмлар, мол-мулк, виртуал мол-мулк, шу жумладан мулкӣ ҳуқуқлар, рақамли ҳуқуқлар, ишлар ва хизматлар, ихтиролар, саноат намуналари, фан, адабиёт, санъат асарлари ва интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари, шунингдек шахсий-номулкӣ ҳуқуқлар рақамли активлар ва бошқа моддий ҳамда номоддий бойликлар киради”.

Тадқиқотчи мазкур соҳадаги иккинчи йўналиш сифатида рақамли ҳуқуқлар, шу жумладан виртуал ва рақамли мол-мулкни қамраб олувчи объектларнинг турлари, ҳуқуқӣ мақомини белгилаб беришга қаратилган “Ўзбекистон Республикасида рақамли ҳуқуқлар ва уни ҳуқуқӣ ҳимоя қилиш тўғрисида”ги махсус қонунни ишлаб чиқиш зарурлигини таклиф қилади.

Диссертацияда замонавий ижтимоӣ тармоқлар ва уларда фойдаланувчи билан тузиладиган шартномалар таҳлил қилинган ҳолда, аксарият онлайн хизмат кўрсатувчи провайдерлар фойдаланувчиларни ўзларининг бир томонлама устунликка эга шартлари билан келишишдан бошқа имконият қолдирмаслиги мисоллар ёрдамида асослаб берилган. Бунда фойдаланувчилардан хизмат кўрсатиш шартлари ва махфийлик сиёсати шартларига рози бўлишидан бошқа имконият йўқлигини, натижада ижтимоӣ тармоқдаги контентларга нисбатан мулкӣ ҳуқуқларидан маҳрум бўлиши асослаб берилган.

Провайдерлар фойдаланувчилар томонидан жойлаштирилган маълумотлар, уларга кириш ёки молиявий операцияларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи аккаунтларнинг, ижтимоӣ тармоқлардаги аккаунтларнинг ҳақиқӣ мулкдори саналиши исботлаб берилган. Фойдаланувчи компания берган имкониятдан фойдаланиб, аккаунт юритган шахс сифатидагина ҳуқуқларга эга бўлади. Фақат тадбиркорлик учун мўлжалланган ҳисобварақларга нисбатан кенгроқ ҳуқуқ берилган бўлиб, бошқа мақсадларда яратилган шахсий ҳисобварақлар эса мулкдор сифатида тан олинмадиган ҳуқуқӣ имкониятлардан маҳрум бўлганлар.

Миллий қонунчиликда ахборотни ҳуқуқӣ тартибга солишдаги ва уни фуқаролик-ҳуқуқӣ мақомини белгилаш бўйича мавжуд бўшлиқлар мавжудлигининг сабаблари сифатида қуйидагилар кўрсатилган:

биринчидан, қонун чиқарувчи виртуал оламлар, виртуал объектлар ҳодисасини жиддий аҳамиятга эга ва умумий тан олинмадиган муносабат сифатида тан олмайди, шунинг учун бу ҳодисаларнинг ҳуқуқӣ мустаҳкамланишида амалда маъно йўқ, деб ҳисоблайди;

иккинчидан, қонун чиқарувчи нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда, ушбу тушунча мақсадлари учун аналогиядан фойдаланиш, яъни унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигининг фуқаролик ҳуқуқи объектлари тўғрисидаги нормаларни қўллаш мақсадга мувофиқ саналади.

Диссертант ушбу ҳар икки қараш ҳам ҳозирги замон ҳуқуқӣ феноменлар ривожланишига мос келмайди, чунки бир томондан қайд этилган тушунчалар кўпчилик шахсларни, айниқса ёшларнинг ҳаётига кириб борган бўлса, бошқа томондан, виртуал объектлар фуқаролик ҳуқуқларининг оддий объектларидан

яққол фарқ қилади, шу сабабли мустақил ҳуқуқий тартибга солишга эҳтиёж сезади, деган қарашни илгари суради.

Тадқиқотчи фуқаролик қонунчилигига янги тушунча сифатида, “виртуал объектлар – бу компьютер дастури томонидан моделлаштирилган виртуал дунёнинг номоддий ашёлари бўлиб, виртуал олам форматида аллақачон йўлга қўйилган, бироқ қонун билан тартибга солилмаган иқтисодий муомалага эга объектлар саналади”, деган нуқтаи назарни илгари суради.

Диссертант ҳуқуқий доктринада ҳам, қонунчиликда ҳам ҳозирги кунда виртуал ўйинлардаги объектлар ва рақамли мол-мулкнинг ҳуқуқий моҳиятини тушуниш бўйича ягона ёндашув мавжуд эмас, деган хулосани илгари сурган.

Тадқиқотчи фикрича, бу ҳолат фуқаролик ҳуқуқининг ушбу янги мулк шаклларига тайёр эмаслиги билан боғлиқ. Янги конструкция ушбу мулк шакли ўзида “ашёвий” белгиларнинг интеллектуал мулк объектлари белгилари билан уйғунлиги, жисмоний шаклга эга эмаслиги, фақат маълум тизимларда (онлайн компьютер ўйинларида) айланиши, виртуал объектлар ва ўйин мулкнинг фактик моҳияти билан ажралиб туради. Натижада ҳуқуқий доктрина ва қонунчилик базаси ривожининг ҳозирги босқичида ушбу феноменнинг ҳуқуқий моҳиятини яқдил тушуниш бўйича қарашлар жуда кам.

Диссертантнинг фикрича, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида “виртуал мол-мулк”, “виртуал объект” каби тушунчалар мавжуд эмас, натижада судлар бундай ҳуқуқий муносабатларга жиддий эътибор бермайди, виртуал ўйин яратувчилари саналган компаниялар бундан фойдаланиб, иштирокчилардан кенг миқёсда уларнинг ҳуқуқларини чеклаш орқали моддий манфаатдор бўлишга ҳаракат қиладилар.

Виртуал ашёларга бўлган “мулк ҳуқуқлар” қонунчиликда тўлиқ ҳажмда тартибга солиниши давр талабига айланган. Чунки, ҳуқуқ ўзининг ижтимоий муносабатларни тартибга солишдан иборат ижтимоий мақсадини фақатгина шу йўл билан амалга ошириши мумкин, фақат шу тарзда субъектларнинг “виртуал мол-мулк”дан келиб чиқадиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлари қонун нормалари асосида ҳимоя қилинади, фақат шундагина мазкур институт Ўзбекистон фуқаролик ҳуқуқида ҳақиқий ривожланишга эришиши мумкин. Шу нуқтаи назардан ҳам, “виртуал мол-мулк” тушунчасини фуқаролик ҳуқуқлар объектлари рўйхатида, хусусан Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 81-моддасига киритиш таклиф қилинади.

Илмий тадқиқотлар ва арбитраж амалиётида виртуал оламни давлат томонидан ҳуқуқий тартибга солиш зарурати учта асосий ёндашув билан белгиланади. Виртуал оламга ҳуқуқнинг таъсирини инкор қилувчи биринчи ёндашув вакиллари фикрича, виртуал ўйинлар билан боғлиқ барча мулк масалалар мазкур ўйин яратувчилари саналган ИТ муҳандислари ихтиёрида тўлиқ бўлиши зарур. Иккинчи ёндашув В.Дуранскенинг “сеҳрли доира” қонидаси орқали ифодаланади. Ушбу ёндашувга кўра, виртуал оламдаги воқеалар ҳақиқий олам учун ҳуқуқий оқибатлар туғдирсагина ушбу жараёнларни тартибга солиш мақсадида ҳуқуқни қўлловчилар ҳақиқий дунё ҳуқуқий нормаларига мурожаат қилишлари лозимлиги илгари сурилади.

Диссертантнинг фикрича, интернетда фойдаланувчиларни химоя қилишнинг бошқа механизмларини, шу жумладан блокчейн технологиясини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратиш таклиф қилинади. Тадқиқотчининг фикрича, халқаро хусусий ҳуқуққа янги коллизия боғловчи сифатида “**lex cryptographica**”ни жорий қилиш таклиф қилинади. Ушбу янги технология давлатдан мустақиллиги, шаффофлиги, фойдаланувчиларнинг ўзаро келишуви асосида якуний қарор қабул қилиши билан афзал ҳисобланади.

Классик ашъвий ҳуқуқлар каби хусусиятларни ўз ичига олган виртуал мол-мулк ва унинг ҳуқуқий муҳофазаси масаласи, миллий қонунчилик олдига ушбу жараёнларни ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ янги кибер ҳуқуқ концепцияларини яратиш зарурлиги асослаб берилиб, ахборот хавфсизлиги, рақамли технологияларни қўллаш билан боғлиқ **Рақамли Ўзбекистон концепциясини** янги ғоялар асосида ишлаб чиқиш зарурлиги исботлаб берилган.

Тадқиқотчи ҳар қандай виртуал мол-мулк рақамли объект бўлиб ҳисобланади, лекин ҳар қандай рақамли объект виртуал мол-мулк бўла олмайди, деган илмий ғояни илгари сурган. Бунга асос сифатида виртуал мол-мулкнинг бошқа рақамли объектлардан фарқ қилувчи ўзига хос белгиларининг мавжудлиги кўрсатилган.

Виртуал объектларнинг олди-сотдисини амалга ошириш ёки унга эгалик ҳуқуқини шакллантиришда **шартномавий концепциядан** фойдаланиш зарурлиги асослаб берилган. Бунда виртуал олам яратувчиси ва фойдаланувчи ўртасидаги виртуал объектларга бошқа воситалардан фарқли равишда ўзаро муносабатларда мослашувчанлик ва мувозанатни таъминлайдиган **лицензия шартномаларидан** кенгроқ фойдаланиш таклиф қилинади.

Диссертация доирасида рақамли активнинг турли таърифларига асосланиб, қуйидаги ўзига хослиги кўрсатиб берилган. **Биринчидан**, рақамли ҳуқуқлар тушунчаси хилма-хиллиги ва уларни фақат молиявий воситаларга боғлаш мумкин эмаслиги ҳақидаги нуқтаи назар қўпчилик олимлар томонидан тасдиқланди. Қонун рақамли ҳуқуқларнинг фақат маълум ахборот тизимидаги пуллик талаблари ёки эмиссия қоғозлари айланиши билан боғлиқ бир қисмини кўриши баҳсли масаладир. **Иккинчидан**, рақамли актив кўзда тутган рақамли ҳуқуқлар предмети пул, аниқроғи, пуллик талаблар бўлиши мумкин. Лекин, адабиётларда пуллик талабнинг моҳиятига оид ягона ёндашув мавжуд эмас.

Ҳозирда жаҳон амалиётида “рақамли активлар” категориясининг ягона таърифи ишлаб чиқилмаган. Доктринада “рақамли активлар” ҳодисасини белгилашга уринишлар кам кузатилади. Хусусан, рақамли активларнинг ҳуқуқий мақоми ва уларни тартибга солиш муаммолари M. Perrone, J. Beier, A. Waller, G.Lastowka, K. Sherry, J. Chambers, G. Ferrera, S. Tracy, D. Kirk, J. Farwell тадқиқотларида ўрганиб чиқилган.

Диссертантнинг фикрича, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида “рақамли активлар” тушунчаси белгиланмаган. Ўзбек доктринасида бу ҳодисанинг таърифи ва тавсифи мавжуд эмас. Ўрганилаётган ҳодисанинг

хусусиятлари ва моҳиятини тушуниш учун Европа давлатларининг доктринаси ва қонунчилигига мувожаат қилиш мақсадга мувофиқ.

Тадқиқот натижаларида ушбу тушунчага умумий таъриф сифатида қуйидаги таъриф таклиф қилинган: *“рақамли активлар – ахборот жойлаштириши мумкин бўлган ва ахборот олиниши ёки келажакда олиниши мумкин бўлган исталган ташувчида сақланадиган ҳар қандай рақамли файл”*.

Диссертациянинг учинчи боби **«Рақамли мулк ҳуқуқини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари»**га бағишланган бўлиб, унда тадқиқотчи томонидан рақамлаштириш шароитида фуқаролик ҳуқуқлари объектларининг таснифи ва субъектив фуқаролик ҳуқуқлар табиатини тушуниш муаммолари, фуқаролик доктринасида рақамли объектлар ва уларни фуқаролик-ҳуқуқий объектлар турларига киритиш муаммолари, блокчейн технологиялари асосида яратиладиган маҳсулотлар (криптовалюта, токен, смарт контракт)ларнинг ҳуқуқий табиатини тушуниш муаммолари, рақамли мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий усуллари тадқиқ қилинган.

Рақамли муносабатлар ва уларнинг ҳуқуққа кўрсатаётган таъсири бўйича ўтказилган тадқиқотлар, жумладан, J.Oster, R. O.Eduardovych, Vasiliy L., Vladimir F., Kazankova T. N., Marchenko D. E., Glebova E. V., Serova O. A., Loh W., Moonika A. ва бошқалар ўрганилган ҳолда узок вақт давомида материя ва энергиядан фарқли ўзига хос воқелик тури сифатида қаралган ахборот, бизнинг кўз ўнгимизда сўнгги ўн йилликда ўзига хос эволюцияни бошдан кечириб, ашёлар, баъзи ҳолларда эса – ҳаттоки биологик объектлар хусусиятларига эга бўлиб, айрим муаллифлар ушбу жараёнларни ёритишда **“рақамли организм”** (digital organism) тушунчасидан фойдаланаётганлиги тадқиқ қилинган.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда субъектив ҳуқуқларнинг ҳуқуқий табиатини рақамли трансформацияси, ҳуқуқий муносабатларнинг янги виртуал объектлари пайдо бўлиши ҳақида фикр юритиш ўринлидир. Норматив тартибга солиш нуқтаи назаридан, субъектив ҳуқуқларнинг рақамли трансформацияси ҳуқуқий тизимдаги таркибий ўзгаришларга ҳамда хусусий ва оммавий ҳуқуқ институтларининг пайдо бўлишига олиб келади, баъзи олимлар уларнинг йиғиндисини аллақачон қонунчиликнинг янги комплекс тармоғи сифатида кўриб чиқмоқда.

Жамиятни рақамлаштириш шароитида ижтимоий энтропия даражасининг ортиши, мулкий (келажакда эса шахсий номулкий) муносабатлар янги турлари ва янги объектларнинг пайдо бўлиши, ҳуқуқий муносабатлар мазмунини ҳосил этувчи субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг тартибга солиш заруратини оширади. Диссертантнинг фикрича, айнан улар истиқболда ҳуқуқ-тартибот ривожининг янги босқичида тегишли ҳуқуқий институтларни шакллантириш учун асос ҳисобланади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, субъектив ҳуқуқлар мазмунини рақамли трансформацияси ташкил қилиб, у ҳар қандай **мулкий неъматларни виртуаллашувига** хизмат қилиши мумкин. Рақамли ҳуқуқлар ва рақамли

фуқаролик муомаласини ҳуқуқий тартибга солишни янада ривожлантириш турли концептуал моделларга асосланиши асослаб берилди. Жумладан: “рақамли ҳуқуқлар” модели, “рақамли молиявий активлар” модели, “рақамли оффшор” модели, “махсус қонун” (намунавий ҳуқуқ)” модели, “анъанавий ҳуқуқни рақамлаштириш”, “махсус мол-мулк қиймати” модели ва бошқа шаклларда тартибга солиниши мумкин.

Рақамли активларни виртуал мулк (мулкӣ ҳуқуқлар) ва виртуал шахсий номулкӣ неъматлар ҳамда мулкӣ ҳуқуқлар билан боғлиқ бошқа ҳуқуқларга ажратиш зарурлиги доктринал ва амалий жиҳатдан асосланди ҳамда рақамли активларнинг эгасини “мулкдор” деб тан олиш зарур, деган хулосага келинди.

Кибермаконнинг асосий хусусиятларидан бири унинг трансчегаравий табиати ҳисобланади. Мазкур ҳолат аслида ушбу ноёб муҳитда ривожланаётган барча муносабатларнинг **трансюрисдикциявий** хусусиятини кўрсатиб беради.

Ушбу муаммони ҳал қилиш кибермаконда содир бўлаётган муносабатларни (шу жумладан криптовалюта, рақамли активлар, виртуал мол-мулкни муомалага киритиш билан боғлиқ) ягона халқаро ҳуқуқий тартибга солиш заруратини ҳам юзага келтирмоқда. Аммо бунинг учун аввало халқаро ташкилотлар ушбу ҳодисага ягона ёндашувни ишлаб чиқиши зарур. Шу мақсадда, **“Криптовалюталар тўғрисида”ги Конвенцияни қабул қилиш талаб этилади.**

Тадқиқотчи ҳар қандай янги мол-мулк турлари ва шунга мос равишда улар сабабли шаклланадиган янги муносабатлар пайдо бўлиши, ҳуқуқий режимларни тубдан қайта қуриш ва бундай муносабатларни тартибга солишнинг янги ҳуқуқий воситалари, шунингдек, уларнинг иштирокчилари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш воситаларининг пайдо бўлишига олиб келади, деб ҳисоблайди.

Диссертацияда криптовалюта ва бошқа электрон молиявий активлар, ахборот базаларидаги ёзувлар (Big data), домен номлари ва аккаунтлар, ўйиндаги мол-мулк, бошқа виртуал мол-мулкдан иборат рақамли, виртуал объектларнинг хилма-хиллиги, уларга ҳуқуқий режимнинг ўзига хослигига қараб, ҳам ашёвий ҳуқуқлар, ҳам мажбурият ҳуқуқлар объектлари сифатида ҳаракат қилишга имкон бериши таҳлил қилинган.

Тадқиқотчи ўз таркибига рақамли ҳуқуқлар, электрон пуллар ва қимматли қоғозлар, шунингдек, бошқа ахборот базаларини, мета оламда яратилган бино-иншоотларни ўз ичига олган мулкӣ комплекслар, яъни **рақамли корхоналарнинг** яратилиши келажакда **рақамли кўчмас мулкнинг пайдо бўлишига**, унинг ҳуқуқий режими кўчмас мулк режими билан бир хил ҳуқуқий ҳимоя қилинишига олиб келади, деб ҳисоблайди.

Тадқиқотчининг фикрича, рақамли корхоналарнинг мулкӣ комплекслар сифатида ҳуқуқий мақомининг белгиланиши ва ҳуқуқ субъектлари сифатида тан олиниши **корпоратив ҳуқуқнинг доктринасини ўзгартиришга** ва фуқаролик қонунчилигида янги турдаги **юрӣдик шахсларнинг** ташкилий-ҳуқуқий шаклларининг рақамли трансформацияси учун ҳам хизмат қилади.

Тадқиқот ишининг тўртинчи боби «**Ўзбекистон Республикасида рақамли мулк ҳуқуқини тушуниш ва тартибга солишнинг янги концепцияси**» деб номланиб, унда Ўзбекистонда ҳуқуқнинг рақамли трансформациясини қилиш зарурати ва унинг асосий йўналишлари, Ўзбекистонда рақамли мулк объекти сифатида виртуал валюта (криптовалюта ва блокчейн технологиялари)ни ҳуқуқий тартибга солиш истиқболлари, Ўзбекистонда рақамли мулк ҳуқуқини фуқаролик қонунчилигига жорий қилиш йўналишлари, Ўзбекистон қонунчилигига рақамли технологияларга асосланган фуқаролик-ҳуқуқий моделларни жорий қилиш истиқболлари тадқиқ қилинган.

Тадқиқот асосида, **Ўзбекистонда рақамли технологияларни тартибга солишнинг фуқаролик ҳуқуқи модели концепцияси ишлаб чиқилди.** Ушбу концепцияга кўра рақамли технологиялардан фойдаланиш натижасида яратилган ва электрон ёки бошқа техник воситалар орқали рақамли шаклда ифодаланган рақамли мол-мулкни тартибга солиш ўз ичига фуқаролик ҳуқуқининг махсус институти сифатида рақамли объектларни қонун билан тан олиш, эгаллик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш, рақамли мулк ҳуқуқларни бошқаларга ўтказиш билан боғлиқ хусусий-ҳуқуқий муносабатларни қамраб олиши таклиф қилинади.

Криптовалюталар, токенлар ва бошқа рақамли мулк объектларини ҳуқуқий тартибга солиш ҳанузгача ушбу объектларнинг ҳуқуқий табиати ва уларнинг эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг мумкин бўлган усуллари ҳақида аниқ илмий-амалий ёндашувлар бўлмаганлиги сабабли, замонавий хорижий ҳуқуқни қўллаш амалиётида бир нечта ҳуқуқий ёндашувлардан фойдаланган ҳолда, токен ва криптовалюта эгаларининг мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг бешта усули асослаб берилган.

Диссертациянинг ушбу бобида ўтказилган таҳлиллар асосида рақамли мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усуллариининг бир нечта таснифини таклиф қилиш мумкин. Рақамли мол-мулкнинг номоддий хусусиятидан келиб чиқиб, рақамли фуқаролик муомаласида бундай объектларга бўлган мулк ҳуқуқлар мавжуд ва улар ҳимоя қилиниши зарур, улар бузилган тақдирда, мулк жавобгарлик юзага келиши керак, деб ҳисоблайди.

Диссертантнинг фикрича, электрон шаклда тузиладиган шартноманинг янги тури – смарт-контрактни қонунчиликда мустаҳкамлаш таклиф этилади, ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши рақамли молиявий технологиялардан фойдаланган ҳолда амалга оширилишига урғу бериш керак. Бироқ, шартноманинг мустақил тури сифатида смарт-контракт ускуналар ва блокчейн технологияси техник имкониятларига боғлиқ, бу эса битимнинг ҳуқуқий моҳиятига таъсир қилмаслиги зарур.

Диссертант криптовалюта ва биткоин тушунчаси ва унинг ҳуқуқий табиати бўйича ўтказилган кўплаб тадқиқотларни (S.Nakamoto, T.I. Kiviat, R.Grinberg, V. Tu, M.W.Meredith, Brito, H.Shadab, A.Castillo, M.Rustem, K., Sergey) таҳлил қилган ҳолда, криптовалюта – бу тўлиқ автоматик режимда ишлайдиган, марказлаштирилмаган тўлов тизими томонидан

таъминланадиган, мустақил, ўзаро ҳисоб-китобларни юритишда мақсад қилган, рақамли-электрон валютанинг бир туридир. У алмашинув операцияларида валютага параллель восита сифатида ишлатиладиган, шифрланган, тартибга солинмаган рақамли активдир, деган муаллифлик ёндашувни илгари сурган.

Муаллиф Хитой, Канада, Норвегия, Финляндия, Германия, Австрия, АҚШда виртуал валюта ва блокчейн технологияларини ҳуқуқий тартибга солиш тажрибасини таҳлил қилган ҳолда, ушбу давлатларда уч хил модел илгари сурилишини, бунда **биринчи модел** виртуал валюта ва блокчейн технологияларини тўлиқ тақиқлаш, **иккинчи модел** товар сифатида эмас, балки валюта (тўлов воситаси) сифатида кўриб чиқиш кераклиги ҳамда ушбу муносабатларни солиққа тортиш, улар устидан давлат назоратини ўрнатиш, **учинчи модел** номоддий актив ва майнинг операцион фаолият сифатида қараш, солиққа тортиш, чекловлар ва давлат назоратининг йўқлигини қайд этади.

Тадқиқотчи, ақлли шартномалар ўзида ҳам дастурий воситаларни, ҳам ҳуқуқий жараёнларни қамраб олганлигини таҳлил қилган ҳолда, «*smart contracts*» – «*ақлли шартномалар*» – бу тарафлардан камида биттаси шахс бўлмаган, тузилиши ва амалга оширилиши тўлиқ автоматлаштирилган, муаллифининг ўз олдига қўйган мақсадларига эришган деб ҳисобланиши учун етарли бўлган хатти-ҳаракатларни сунъий интеллект ёрдамида баҳолайдиган, аввалдан яратилган дастурий таъминот ва алгоритмларга асосланган, яратувчисида шартномавий муносабатлар билан бирга муаллифлик ҳуқуқини пайдо қиладиган электрон шартномадир» деган муаллифлик таърифини илгари суради.

Муаллиф “ақлли шартнома”ни ҳуқуқий мазмунга эга бўлган шартнома деб ҳисоблаш зарур деган нуқтаи назарга келган ҳолда, ташқи савдо соҳасидаги ақлли шартномаларнинг асосий белгилари сифатида унинг электронлилик табиати; дастурий таъминот орқалигина амалга оширилиши; аниқлик; шартлилик табиати; ўз-ўзини ижро этиш; ўз-ўзини таъминлаш каби хусусиятларини кўрсатиб, унинг асосий жиҳати сунъий интеллектга асосланган ақллилик функциясидир, деган фикрни илгари суради.

«Ақлли шартнома» фуқаролик-ҳуқуқий битим шакли тўғрисидаги қоидаларга мос келиши ва мазкур шартнома тузиш ҳамда уни амалга ошириш усулини қонунчиликда мустаҳкамлаш, уларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш учун тегишли ишлар амалга оширилиши лозимлигини таъкидлаган.

Фуқаролик ҳуқуқида виртуал валютага куйидаги муаллифлик таърифи таклиф қилинган: “виртуал валюта – бу ахборот-телекоммуникация технологияларини қўллаш орқали яратиладиган ва ҳисобга олинадиган, Ўзбекистон Республикаси ёки хорижий давлатларнинг валютасида номинация қилинмаган, электрон пул ва қонуний тўлов воситаси ҳисобланмайдиган, шахсларнинг чекланмаган доираси томонидан тўловларни амалга ошириш учун фойдаланиши мумкин бўлган мулкдир”.

Халқаро электрон савдо муносабатларини коллизия-ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари доирасида сўнгги йилларда ўтказилган тадқиқотлар

(И.Рустамбеков, M.Frendo, C.A. Kelman ва M.Chissick, K.Henderson ва A.Poulter, Wang, C.C. ва Chen, C.C., Turban, E., Bolloju, N, Gökmen, A.)ни ўрганган ҳолда, ахборот технологиялари кўмагида виртуал оламда электрон шаклда ўрнатилган муносабатларга татбиқ қилинадиган ҳуқуқни танлаш айниқса, ахборот сония ичида бир неча давлат чегараларини кесиб ўтиши, маълумотларга кириш бир вақтнинг ўзида турли мамлакатлар ҳудудидан ўтиши каби ҳолатлар билан мураккаблашади, деган хулосага келган.

Рақамли ҳуқуқлар билан боғлиқ инвестициялар ҳажми йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Диссертант инвесторларга қимматли қоғозларни олиш ҳуқуқини берувчи (тўғридан-тўғри ёки инвестиция платформаси оператори агент сифатида фаолият юритадиган брокерлик модели орқали) *инвестиция лойиҳаси токенларини сотиб олиш йўли билан инвестицияларни жалб қилиш тизимини жорий қилиш зарур*, деб ҳисоблайди.

ХУЛОСА

“Кибермаконда рақамли мулк ҳуқуқи ва уни ҳуқуқий тартибга солиш” мавзусидаги диссертация тадқиқоти натижаси бўйича қуйидаги илмий-назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган хулосаларга келинди:

I. Илмий назарий хулосалар.

1. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, мавжуд виртуал оламларнинг асосий хусусиятларидан бири бу иштирокчилар ўртасидаги ўзаро алоқани таъминлаш ва иқтисодий тизимларнинг мавжудлигидир. Ушбу тизимда мулкни ўғирлаш имконияти яратилган ва ўйин ташкилотчилари виртуал мол-мулкни реал пулга сотиб олиш имкониятини берганлиги сабабли, иштирокчилар учун реал моддий йўқотишларга олиб келиши мумкин бўлган муайян ҳуқуқий муносабатлар юзага келади, бу “хавф” тушунчасининг таърифига мосдир.

2. Ҳозирги даврда иқтисодий муносабатларда фаол иштирок этаётган виртуал объектлар пайдо бўлди, аммо ҳам доктринал, ҳам амалий жиҳатдан уларни ҳуқуқий тартибга солиш ноаниқлигича қолмоқда.

3. Судлар томонидан виртуал объектларнинг муомалага киритилиши билан боғлиқ ишларни ҳал қилишда бир нечта ёндашувларни қўллаш мумкин. Биринчидан, қонун компютер ўйинлари соҳасидаги муносабатларга аралашмаслиги керак. Иккинчидан, виртуал объектларга нисбатан ашёвий ҳуқуқ ва мулк ҳуқуқи қоидалари қўлланилади. Учинчидан, бундай муносабатлар фойдаланувчи ва муаллифлик ҳуқуқи эгаси ўртасидаги лицензиялаш ҳамда бошқа шартномалар билан тартибга солиниши мумкин.

4. Тадқиқотлар натижасида рақамли мол-мулкни ашёвий мулк сифатида тан олиш бўйича Осиё ва англо-саксон доктринаси таҳлил қилиниб, уларда икки доктринал ёндашув: **мулк ҳуқуқий ва шартнома ҳуқуқий ёндашув** шаклланганлиги асослаб берилди.

5. Виртуал объектларни олди-сотдисини амалга ошириш ёки унга эгалик ҳуқуқини шакллантиришда шартномавий концепциядан фойдаланиш таклиф қилинади. Бунда виртуал олам яратувчиси ва фойдаланувчи ўртасидаги

виртуал объектларга бошқа воситалардан фарқли равишда ўзаро муносабатларда мослашувчанлик ва мувозанатни таъминлайдиган лицензия шартномаларидан кенгроқ фойдаланиш керак.

6. Виртуал объектларнинг ҳуқуқий мақомини белгилашга қаратилган радин назарияси ва утилитар назариянинг хусусиятлари таҳлил қилиниб, виртуал объектлар эгаси учун қадрли ва маълум бир иқтисодий баҳога эга бўлганлиги учун уларни ҳуқуқий муҳофазасини яратишга қаратилган аралаш назариядан фойдаланиш таклиф қилинади. Виртуал объектларга бўлган ҳуқуқнинг тан олинishi инвесторларни жалб қилишга ва иқтисодий самарадорликка олиб келади.

7. Виртуал мол-мулк сифатида тан олинadиган объектлар фуқаролик қонунчилигида мавжуд бўлган **“бошқа буюмлар, мол-мулк”** тушунчасига киритилиши керак. Мазкур тартиб фуқаролик ҳуқуқлари объектлари очик рўйхатини ўз ичига олган меъёрни бажаришга имкон беради, иккинчидан, виртуал объектлар қонуний маънода мол-мулк сифатида эътироф этилади ва бунинг натижасида қонун, шартнома ва бошқалар орқали амалга оширилмаса, бузилган ҳуқуқни тиклайдиган асоссиз бойитиш тўғрисидаги нормалар кўриб чиқилadиган муносабатларга қўллаш мумкин бўлади.

Агар фойдаланувчига тегишли бўлган виртуал мол-мулк унинг иродасига қарши олиб қўйилган бўлса, бундай ҳаракатлар асоссиз бойиб кетиш сифатида баҳоланиши мумкин ва мулкни натура шаклида қайтариш ёки унинг қийматини қоплаш мажбурияти пайдо бўлиши (Фуқаролик кодексининг 1023, 1024, 1026, 1028-моддалар) зарур.

8. Миллий қонунчиликни рақамли технологиялар талабларидан келиб чиққан ҳолда инвентаризациядан ўтказиш, унда “ўйин” ёки “компьютер ўйини”, “виртуал ўйин” ёки “онлайн ўйин”, “рақамли мулкый ҳуқуқлар”, “киберспорт”, “виртуал реаллик”, “виртуал мол-мулк”, “виртуал объект” каби тушунчаларга таърифлар ишлаб чиқиш, энг муҳими ушбу янги ҳуқуқий феноменларни ҳуқуқий тартибга солишнинг янги концепцияларини қабул қилиш зарур. Ушбу тушунчаларни янги таҳрирдаги Фуқаролик кодексига киритиш орқали, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлардан аниқ фарқлаш мақсадга мувофиқдир.

9. Ҳозирги вақтда рақамли технологияларнинг шиддат билан ривожланиши шароитида моддий шаклга эга бўлмаган, шунингдек интеллектуал мулкка ҳам мансуб бўлмаган, лекин ҳуқуқ субъектлари учун маълум бир иқтисодий қийматга эга бўлган объектлар юзага келмоқда. Шу боис, қонунчиликка “рақамли мулкый ҳуқуқлар”, “виртуал мол-мулк”, “рақамли актив”, “крипто-актив”, “рақамли валюта”, “рақамли актив”, “виртуал валюта” ва бошқа тушунчаларни киритиш таклиф қилинади.

10. Рақамли (виртуал) актив виртуал мол-мулк, рақамли мулк, мулкка ёки умуман, фуқаролик ҳуқуқий объектларга алоқадор бўлмаган, лекин рақамли шаклга эга бўлган объектларнинг барчасини қамраб олади.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар.

11. Жаҳон амалиётидан келиб чиқиб, рақамли активларни виртуал мулк (мулкӣ ҳуқуқлар) ва виртуал шахсий номулки неъматлар ҳамда мулкӣ ҳуқуқлар билан боғлиқ бошқа ҳуқуқларга ажратиш зарур. Бунда, рақамли активлар “мулкдори”, Ўзбекистон Республикасида “мулк” тушунчасини қонунчиликда ўзига хос тартибга солишга оид қонунчиликдан келиб чиққан ҳолда, рақамли активлар “ҳуқуқлар эгаси” сифатида ҳам белгиланиши мумкин. Бироқ, бу борада энг мақбул ҳуқуқий мақом “мулкдор” деб тан олинishi ҳисобланади, чунки фуқаролик ҳуқуқида ашёларга қўйилган талаблар билан солиштирилганда, рақамли мол-мулк моддий тусга эга бўлмаган ашё ҳисобланади.

12. Рақамли активларга бўлган мулк ҳуқуқи мерос ҳуқуқи асосида меросхўрларга ўтишини таъминлаш мақсадида рақамли активларни сақлаш реестрини юритиш таклиф қилинади. Васиятномани тасдиқлаш бўйича нотариал ҳаракатни амалга ошириш электрон шаклда ҳам тақдим этилиши лозим. Васиятноманинг ушбу шаклини “рақамли васиятнома” деб аташ таклиф қилинади.

13. Рақамли ҳуқуқлар – бу фуқаролик ҳуқуқларининг янги объекти бўлиб, улар рақамли код ёки белгидан иборат, яъни қонун ҳужжатларида белгиланган марказлашмаган ахборот тизимининг белгиларига жавоб берадиган ахборот тизимида мавжуд бўлган, электрон маълумотлар йиғиндисидир, бунда мазкур ахборот технологиялари ва унинг техник воситалари, ушбу рақамли код ёки белгига ягона кириш ҳуқуқи эга бўлган шахсга, исталган вақтда фуқаролик ҳуқуқлари тегишли объектининг тавсифи билан танишиш имкониятини бериши шарт.

14. Блокчейн технологияси нафақат рақамли активларнинг яратилиши ва муомаласини таъминлайди. У ҳар қандай активлар ва операциялар маълумотлари реестрини юритишда қўлланиши мумкин: кўчмас мулк, қимматли қоғозлар, интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқларни, оила ва никоҳ муносабатларини рўйхатга олиш ва бошқалар.

15. Рақамли молиявий активлар ва рақамли валюта ўртасидаги асосий фарқ – мажбуриятга эга шахсда: рақамли молиявий активлар бўйича, ҳар доим рақамли молиявий активлар юзасидан мажбуриятга эга **аниқ шахс мавжуд**. Бундан ташқари, рақамли валютадан фарқли ўлароқ, **рақамли молиявий активлар – бу рақамли ҳуқуқ бўлиб**, у ўз навбатида фуқаролик ҳуқуқларининг янги объекти ҳисобланади, бу ўз-ўзидан рақамли молиявий активларни муомалага лаёқатли эканлигини кўрсатади. Рақамли молиявий активлар олди-сотди, айирбошлаш, ҳадя, гаров ва ҳоказолар бўйича битимнинг предмети бўлиши мумкин.

16. Қонунчиликка қуйидаги муаллифлик тушунчаларини киритиш таклиф қилинади:

“Рақамли валюта — ахборот тизимида мавжуд бўлган, Ўзбекистон Республикасининг пул бирлиги бўлмаган тўлов воситаси сифатида таклиф

қилинадиган ва (ёки) хорижий давлат ва (ёки) халқаро валюта ёки ҳисоб бирлиги ва (ёки) инвестиция сифатида қабул қилиниши мумкин бўлган электрон маълумотлар (рақамли код ёки белги) ва уларга нисбатан бундай электрон маълумотларнинг ҳар бир эгаси олдида жавобгар бўлмаган шахс (оператор ва (ёки) ахборот тизимининг тарқатувчи бундан мустасно), фақат ушбу электрон маълумотларни бериш тартибига риоя этилишини таъминлаши ва бундай ахборот тизимига ўз қоидаларига мувофиқ ёзувлар киритиш (ўзгартириш) бўйича ҳаракатларни амалга оширишга мажбур бўлган ахборот тизимидир”;

“Рақамли актив – бу ахборот тизимидаги рақамли қайд бўлиб, у айирбошлашнинг рақамли воситаси, ҳисоб-китоб бирлиги, ҳисобга олиш, қийматни сақлаш воситаси бўлиб, мол-мулкка ёхуд фуқаролик ҳуқуқининг иқтисодий ёки бошқа моддий, иқтисодий бўлмаган қийматига эга бошқа объектларига нисбатан мулкдорлик ҳуқуқларини тасдиқлайдиган рақамли файл”;

“Виртуал объектлар – бу компьютер дастури томонидан моделлаштирилган виртуал дунёнинг номоддий ашёлари бўлиб, виртуал олам форматида аллақачон йўлга қўйилган, бироқ қонун билан тартибга солилмаган иқтисодий муомалага эга объектлар саналади”;

“Рақамли ҳуқуқлар – мазмуни ва амалга ошириш шартлари қонун ҳужжатларига мувофиқ ахборот тизими томонидан белгиланган мезонларга жавоб берадиган ҳамда ахборот тизимининг қоидаларига мувофиқ белгиланадиган мажбурият ва бошқа ҳуқуқлар мажмуасидир”;

“Виртуал валюта – бу ахборот-телекоммуникация технологияларини қўллаш орқали яратиладиган ва ҳисобга олинадиган, Ўзбекистон Республикаси ёки хорижий давлатларнинг валютасида номинация қилинмаган, электрон пул ва қонуний тўлов воситаси ҳисобланмайдиган, шахсларнинг чекланмаган доираси томонидан тўловларни амалга ошириш учун фойдаланиши мумкин бўлган мулкдир”.

17. Фуқаролик кодексининг 81-моддасини қуйидаги тахрирда баён қилиш таклиф қилинади: *“Фуқаролик ҳуқуқларининг объектларига ашёлар, шу жумладан пул ва қимматли қозғозлар, бошқа буюмлар, мол-мулк, виртуал мол-мулк, шу жумладан мулкӣ ҳуқуқлар, рақамли ҳуқуқлар, ишлар ва хизматлар, ихтиролар, саноат намуналари, фан, адабиёт, санъат асарлари ва интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари, шунингдек шахсий номулкий ҳуқуқлар рақамли активлар ва бошқа моддий ҳамда номоддий бойликлар киради”*.

18. Истисодий ислохотларнинг иккинчи йўналиши сифатида рақамли ҳуқуқлар, шу жумладан виртуал ва рақамли мол-мулкни қамраб олувчи объектларнинг турлари, ҳуқуқий мақомини белгилаб беришга қаратилган *“Ўзбекистон Республикасида Рақамли ҳуқуқлар ва уни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги махсус қонунни ишлаб чиқиш зарур.*

Ушбу қонунда рақамли фуқаролик муомаласининг асосий тушунчалари ва тамойиллари, муомала объектлари ва субъектлари ҳамда уларнинг ҳуқуқий

мақоми, рақамли битимлар (битимлар)нинг асосий турлари ва ҳуқуқий тузилмалари, шартнома, рақамли ҳуқуқ, рақамли хизматлар, рақамли мажбуриятлар, ҳуқуқлар объектларининг турлари, рақамли технология платформаси, рақамли мол-мулк турлари, аутентификация қоидалари ва бошқалар) белгилаб берилиши таклиф қилинади.

Бундан ташқари қонун лойиҳаси рақамли фуқаролик айланмасининг махсус тамойиллари, айланма субъект ва объектлари, объектларни тартибга солишнинг ҳуқуқий режими, рақамли келишувларнинг асосий кўринишлари, рақамли мулк шакллари, рақамли фуқаролик айланмаси субъектларини идентификация қилиш қоидаларини ҳам қамраб олиши зарур.

19. Классик ашёвий ҳуқуқлар каби хусусиятларни ўз ичига олган виртуал мол-мулк ва унинг ҳуқуқий муҳофазаси масаласи, миллий қонунчилик олдига ушбу жараёнларни ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ янги кибер ҳуқуқнинг концепцияларини яратиш зарурати мавжуд.

Бизнингча, Ўзбекистонда янги Фуқаролик қонунчилиги нормалари кибер ҳуқуқда виртуал мол-мулк ва уни ашёвий-ҳуқуқий муҳофазаси масалаларини қамраб олиши зарур. Ушбу тартибга солиш концепцияси нафақат Фуқаролик кодекси балки, ахборот хавфсизлиги, рақамли технологияларни қўллаш билан боғлиқ **Рақамли Ўзбекистон концепциясини** янги ғоялар асосида ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

20. Яқин вақтларгача виртуал ўйин дунёси ва интернетни қамраб олган виртуал олам макони давлатнинг мажбурлов функциясидан холи ва ўзини ўзи тўлиқ тартибга солишга қаратилган тизим сифатида намоён бўлган. Амалиётда **“lex mercatoria”**га ўхшаб, интернетнинг ўзини ўзи бошқариш қоидалари тўплами **“lex informatica”** шаклланиб, унинг меъёрий кучи техник воситалар билан таъминлайди.

Интернетда фойдаланувчиларни ҳимоя қилишнинг бошқа механизмларини, шу жумладан блокчейн технологиясини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратиш таклиф қилиниб, миллий халқаро хусусий ҳуқуққа янги коллизия боғловчи сифатида **“lex cryptographica”**ни жорий қилиш таклиф қилинади. Ушбу янги технология давлатдан мустақиллиги, шаффофлиги, фойдаланувчиларнинг ўзаро келишуви асосида яқиний қарор қабул қилиши билан афзал ҳисобланади.

21. Виртуал мол-мулкнинг ҳуқуқий табиати ва унга нисбатан мулкий ҳуқуқлар масаласида ҳам ягона концепция мавжуд эмаслигини қайд этиш зарур. “Виртуал мол-мулк” атамасининг қонунчиликдаги таърифи мавжуд эмас. Бундан ташқари, “рақамли ҳуқуқлар (рақамли актив)”, “рақамли объект”, “виртуал мол-мулк”, “виртуал ўйин мулки” тушунчаларини бир-биридан фарқлаш керак.

22. Бизнингча, криптовалюта ва бошқа электрон молиявий активлар, ахборот базаларидаги ёзувлар (Big data), домен номлари ва аккаунтлари, ўйиндаги мол-мулк, бошқа рақамли, виртуал объектларнинг хилма-хиллиги, уларга ҳуқуқий режимнинг ўзига хослигига қараб, ҳам ашёвий ҳуқуқлар, ҳам мажбурият ҳуқуқлар объектлари сифатида ҳаракат қилишга имкон беради.

23. **Мулкий неъматларни виртуаллашуви натижасида**, ўз таркибига рақамли ҳуқуқлар, электрон пуллар ва қимматли қоғозлар, шунингдек, бошқа ахборот базаларини киритган мулкий комплекслар, яъни **рақамли корхоналарнинг** яратилиши келажакда **рақамли кўчмас мулкнинг пайдо бўлишига**, унинг ҳуқуқий режими кўчмас мулк режими билан бир хил ҳуқуқий ҳимоя қилинишига олиб келади, деб ҳисоблаймиз.

24. Рақамли корхоналарнинг мулкий комплекслар сифатида ҳуқуқий мақомини белгиланиши ва ҳуқуқ субъектлари сифатида тан олиниши **корпоратив ҳуқуқнинг анъанавий доктринасини ўзгартиришга** ва фуқаролик қонунчилигида янги турдаги **юримдик шахсларнинг** ташкилий-ҳуқуқий шакллари рақамли трансформацияси учун хизмат қилади.

25. Бизнинг фикримизча, ахборотнинг per se номоддийлиги туфайли уни яқдиллик билан ашё деб ҳисоблаш мумкин эмас. Шунинг учун, ашёвий-ҳуқуқий режимни ахборотни ифодалашнинг электрон шакллари рақамли объектларга татбиқ этиш ҳуқуққа хилоф кўринади. Бироқ, шуни таъкидлаш керакки, рақамли объектнинг визуал намоиши (яъни электрон, рақамли кўринишдаги ахборот)ни келтириб чиқарувчи ўзининг рамзий, сигнал ифодаланадиган ахборот, доимо инсоннинг ўзи томонидан яратилади, шу маънода унинг интеллектуал меҳнати натижаси бўлади. Шунга кўра, ахборотни, рақамли объектнинг ҳис-туйғу орқали идрок этиладиган хусусиятларини тузувчи рақамли кодлар мажмуи сифатида, интеллектуал фаолият натижаси сифатида мулк объекти сифатида кўриб чиқиш таклиф қилинади.

26. Давлат томонидан тартибга солиш доирасида крипто-валюталарнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш бўйича ўтказилган таҳлиллар натижасида бир нечта асосий ёндашувлар мавжудлиги аниқланди. Буларга: криптовалюта тўлов воситаси бўлган валюта (рақамли ёки виртуал валюта, фиат валютанинг аналог, пул) сифатида; криптовалюта универсал молиявий восита сифатида; криптовалюта товар (мол-мулк, актив, мулк) сифатида; криптовалюта суррогат сифатида;

27. Рақамли мулкнинг номоддий хусусиятидан келиб чиқиб, рақамли фуқаролик муомаласида бундай объектларга бўлган мулкий ҳуқуқлар мавжуд ва улар ҳимоя қилиниши зарур, улар бузилган тақдирда, мулкий жавобгарлик юзага келиши керак, деб ҳисоблаймиз. Шу муносабат билан, рақамли мулкларни ҳимоя қилишнинг бир неча усуллари таклиф қилинади:

биринчи усул сифатида токен эгалари ҳуқуқларини корпоратив қимматли қоғозлар (акциялар) ёки бошқа қимматли қоғозлар эгалари сифатида ҳимоя қилиш;

иккинчи усул сифатида битимнинг ҳақиқий эмаслигини тан олиш;

учинчи усул сифатида, шартнома шартлари бузилган тақдирда шартнома мажбуриятларидан келиб чиқадиган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш орқали ҳимоя қилиш;

тўртинчи усул сифатида истеъмолчи ҳуқуқлари ёки маҳсулотни реклама қилиш қоидалари бузилган тақдирда фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилиш;

бешинчи усул сифатида, мансабдор шахсларнинг фидуциар жавобгарлиги, уларнинг хатти-ҳаракатлари натижасида зарар етказиш ёки ишончнинг суистеъмол қилиниши, токенлар эгасининг қонуний манфаатлари ва мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда совуққонлиги учун жавобгарлик бевосита қонунда белгиланиши керак.

28. Рақамли ҳуқуқлар ва рақамли фуқаролик муомаласини ҳуқуқий тартибга солишни янада ривожлантириш турли концептуал моделларга асосланиши мумкин. Жумладан: “рақамли ҳуқуқлар” модели, “рақамли молиявий активлар” модели, “рақамли оффшор” модели, “махсус қонун” (намунавий ҳуқуқ) модели, “анъанавий ҳуқуқни рақамлаштириш”, “махсус мулк қиймати” модели ва бошқа шаклларда тартибга солиниши мумкин.

29. Сунъий интеллект томонидан яратилган интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий режими, бундай объектларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, сунъий интеллект асосида яратилган технологияларнинг патентга лаёқатлилиги, бундай технологияларни яратишда инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби муаммоларни юридик шахсни яратиш бўйича сунъий интеллектнинг ҳуқуқий асосларини жорий этиш орқали самарали ҳал қилиш мумкин. Шу муносабат билан қонунчиликка рақамли ҳуқуқларни ҳақиқий иқтисодий ва бозор қийматига эга бўлган рақамли активлар сифатида белгилаш бўйича концептуал ўзгартишларни киритиш мақсадга мувофиқ.

30. Тадқиқот жараёнида ўтказилган таҳлиллар асосида, **Ўзбекистонда рақамли технологияларни тартибга солишнинг фуқаролик ҳуқуқи модели концепциясини** иловага мувофиқ қабул қилишни таклиф қиламиз.

Ушбу концепцияга кўра рақамли технологиялардан фойдаланиш натижасида яратилган ва электрон ёки бошқа техник воситалар орқали рақамли шаклда ифодаланган рақамли мол-мулкни тартибга солиш ўз ичига фуқаролик ҳуқуқининг махсус институти сифатида рақамли объектларни қонун билан тан олиш, эгалик қилиш ва тасарруф этиш, рақамли мулкий ҳуқуқларни бошқаларга ўтказиш билан боғлиқ хусусий-ҳуқуқий муносабатларни қамраб олиши таклиф қилинади.

31. Хорижий қонун чиқарувчиларнинг криптовалюталар ва токенлар бўйича қарашларидаги тафовутларни ҳисобга олган ҳолда бугунги кунда **“Криптовалюталар тўғрисида”ги Конвенцияни** қабул қилиш талаб этилади.

32. Фуқаролик кодексининг 94-моддаси учинчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён қилиш таклиф қилинади: *“Ҳисоб-китобларни чет эл валютасида ёки рақамли валютада амалга ошириш ҳоллари, тартиби ва шартлари қонунчилик билан белгилаб қўйилади”*.

33. Фуқаролик кодексининг 95-моддаси учинчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён қилиш таклиф қилинади: *“Валюта қимматликлари деб ҳисобланадиган мол-мулк турлари, рақамли мулк ва улар хусусида битимлар тузиш тартиби қонун билан белгилаб қўйилади. Валюта қимматликларига мулк ҳуқуқи умумий асосларда ҳимоя қилинади.”*

34. Миллий қонунчиликни такомиллаштиришнинг **ёндашуви** сифатида қонунчиликда “рақамли молиявий активлар” моделини жорий қилиш чора-тадбирларини кўриш таклиф қилинади.

Ушбу белгилар ва ўзига хосликлардан келиб чиққан ҳолда, рақамли молиявий активларни миллий қонунчиликда **фуқаролик ҳуқуқий ашё сифатида** белгилаб, унга эгалик қилиш мулк ҳуқуқи асосида амалга оширилиши, бинобарин, улар фуқаролик ҳуқуқи объектлари ичида ашёлар тоифасига киришини мустаҳкамлаш таклиф қилинади.

Мазкур концепция рақамли молиявий активларнинг блокчейн технологиясидан фойдаланган ҳолда маълум бир соҳа – рақамли макондан келиб чиқадиган, ҳуқуқий тартибга солиш объекти этиб **“рақамли шаклдаги мулк”**да тавсифлашни таклиф қилишга қаратилган.

35. Миллий қонунчиликни такомиллаштиришнинг иккинчи **ёндашуви** сифатида “махсус ҳуқуқий тартибот” моделини кўрсатиш мумкин. Ушбу модел ҳуқуқий тартибга солишнинг алоҳида объектлари (рақамли валюта, рақамли мулк, токенлар, криптовалюталар ва бошқалар) бўйича қонун ҳужжатларини унификация қилишни назарда тутди.

36. Миллий қонунчиликни такомиллаштиришнинг учинчи **ёндашуви** сифатида “алоҳида мулк қийматга эгалик” моделини жорий қилишни кўрсатиш мумкин. Рақамли ҳуқуқлар ва рақамли мол-мулкнинг “алоҳида мулк қийматга эгалиги” модели, янги рақамли объектлар ва уларнинг фуқаролик муомаласини тартибга солиш учун *sui generis* алоҳида мулк қийматга эгалиги тўғрисидаги Европа доктринасини жорий қилишни назарда тутди.

37. Бизнингча, электрон шаклда тузиладиган шартноманинг янги тури – смарт-контрактни қонунчиликда мустаҳкамлаш таклиф этилади, ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши рақамли молиявий технологиялардан фойдаланган ҳолда амалга оширилишига урғу бериш керак. Бироқ, шартноманинг мустақил тури сифатида смарт-контракт усқуналар ва блокчейн технологияси техник имкониятларига боғлиқ, бу эса битимнинг ҳуқуқий моҳиятига таъсир қилмаслиги зарур.

**SCIENTIFIC COUNCIL No. DSc.07/30.12. 2019.Yu.22.01 FOR
AWARDING SCIENTIFIC DEGREES AT
TASHKENT STATE UNIVERSITY OF LAW**

TASHKENT STATE UNIVERSITY OF LAW

YAKUBOV AKHTAM NUSRATILLOYEVICH

**DIGITAL PROPERTY RIGHTS IN CYBERSPACE AND ITS LEGAL
REGULATION**

12.00.03 – Civil Law. Business Law.
Family Law. International Private Law.

Dissertation Abstract of Doctor of Science in Law (DSc)

Tashkent – 2023

The theme of the Doctor of Science dissertation was registered at the Supreme Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under No. B2022.1.DSc/Yu176.

The dissertation has been prepared at Tashkent State University of Law.

The abstract of the dissertation is published in three languages (Uzbek, English, Russian (resume)) on the website of the Scientific Council (<https://tsul.uz/uz/fan/avtoreferatlar>) and of "ZiyoNet" Information and Educational Portal (www.ziyo.net).

| | |
|-------------------------------|---|
| Scientific supervisor: | Gulyamov Said Saidakhrarovich, Doctor of Science in Law, Professor |
| Official opponents: | Khodjayev Bakhshillo Kamalovich, Doctor of Science in Law, Associate Professor Narziyev Otabek Sadiyevich, Doctor of Science in Law, Associate Professor Ashurova Nargiza Azamovna, Doctor of Science in Law, Associate Professor |
| Leading organization: | Higher School of Judges under the Supreme Council of Judges of the Republic of Uzbekistan |


The defense of the dissertation will take place on 17 January 2023 at 10.00 am at the meeting of the Scientific Council DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 at Tashkent State University of Law (Address: 100047, Tashkent city, Sayilgokh Street 35. Phone.: (99871) 233-66-36; Fax:(99871) 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).


The doctoral dissertation can be reviewed at the Information Resource Center of the Tashkent State University of Law (registered under No. 1094). (Address: 100047, Tashkent city, Sayilgokh Street 35. Phone.: (99871) 233-66-36).


The abstract of the dissertation was submitted on 04 January 2023.

(Registry protocol No. 19 of 04 January 2023).




U. Rustambekov
Chairman of the Scientific Council for
awarding scientific degrees, Doctor of
Science in Law, Professor


D.Y. Khabibullaev
Secretary of the Scientific Council for
awarding scientific degrees, Candidate of
Science in Law, Professor


N.F. Imomov
Deputy Chairman of the Scientific Seminar
at the Scientific Council for awarding
scientific degrees, Doctor of Science in
Law, Professor

INTRODUCTION (Annotation to the Dissertation of Doctor of Science in Law (DSc))

Relevance and necessity of the dissertation theme. In the world, by mid-2020, due to the COVID-19 pandemic, the introduction of smart management technologies into the digital economy and social relations, which have been imperceptibly developing in individual countries in the past decade, has caused a great acceleration of the introduction of technologies. In the market economy, modern information technologies (ICT), artificial intelligence, and smart management methods have proven their effectiveness in the form of digitization in a short period. The development of the digital economy, which was required by the economy of the countries as part of the measures to combat the COVID-19 pandemic, at the same time made it necessary to develop new legal approaches related to the legal regulation of digital property and its forms. According to international calculations, in 2020, the size of the virtual property market amounted to 12.56 billion dollars. According to researchers, the global market for virtual reality technologies will grow by 37.66% per year, and by 2026 its amount will reach 85.47 billion dollars. Geographically, the United States accounted for \$4.3 billion of all digital property spending in 2017; Asia Pacific (excluding Japan) (\$2.6 billion) and Western Europe (about \$2.5 billion)¹. Analytical agency Superdata predicts that the digital property-related virtual game market grew to more than \$660 million in 2016 and will reach \$15 billion by 2022². These figures show that there is a need to improve the civil-legal and international private legal framework related to digital property, crypto-assets, and digital assets at the national level, develop efficient and artificial intelligence-based methods of regulating these relations, develop a more effective mechanism for protecting the rights of digital property owners.

In the world, special attention is being paid to the issue of legalization of relations related to digital property, creating a legal basis for the regulation of digital assets and virtual property, expanding the means of the public legal protection of digital property owners, expanding non-governmental self-management systems in this area, unification of the request placed on them, application of “lex mercatoria”, “lex informatica”, “lex cryptographica” – a set of self-governing rules of the blockchain community to the management of digital relations, regulating the activities of users of cryptographic encryption as a research direction of significant scientific and practical importance.

Within the framework of the Digital Uzbekistan – 2030 Strategy in our country, studying and implementing the possibilities of using virtual and augmented reality, artificial intelligence, cryptography, machine learning, big data analysis, and cloud computing technologies in the economic sectors is defined as one of the directions of the development of the digital economy. In this area, extensive research is being carried out to determine several measures. “To ensure the stability, quality and efficiency of the legal regulation of social relations, development and expansion of the assessment of the regulatory impact of legislative documents within the framework of the application of the elements of the “smart regulation” model. Reviewing the requirements for modern technologies and digital activities within the framework of increasing the

¹ <https://www.tadviser.ru>

² <https://www.vg247.com>

competitiveness of the legal system and activating new drivers of the economy” is defined as a priority task of the complex development of the legal system, and the main task is to improve the legislation in this sphere based on public standards.

To a certain extent, this research serves the implementation of the tasks defined in the Constitution of the Republic of Uzbekistan (1992), Civil Code of the Republic of Uzbekistan (1995, 1997), “On Currency Regulation” (2019), LRU-598 (2019) on “Investments and investment activities”, Decree of the President of the Republic of Uzbekistan “On measures to improve the management system in the sphere of investment and foreign trade” (2019), resolutions of the President of the Republic of Uzbekistan “On measures to develop the digital economy in the Republic of Uzbekistan” (2018), “On measures to organize the activities of crypto-exchanges in the Republic of Uzbekistan” (2018) and other legal documents on the subject.

The relevance of the research to the priority areas of development of science and technologies in the country. The research was carried out within the priority direction of republican science and technology development I. “Formation of an innovative system of ideas and implementation of the plan in the social, legal, economic, cultural, spiritual and educational development of an information society and a democratic state”.

Review of foreign scientific research on the theme of the dissertation ¹. Scientific research on the digital property and its legalization and the legal status of virtual property is being conducted in the world’s leading research centers and universities, including the National University of Singapore (NUS), Tsinghua University (China), Columbia University (the United States), Peking University (China), the University of Tokyo (Japan), the Hong Kong University of Science and Technology (HKUST), King’s College London (KCL) (the United Kingdom), Ludwig-Maximilians-University of Munich (Germany), Kutafin Moscow State Law University (Russia), Tashkent State University of Law (Uzbekistan).

